



Музаффар САЛИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси
Уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш вазири

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Муҳтарам касбдошларим!

Шу тароватли онларда табиат уйғониб гўзал диёримиз янада яшнаётган кунларда қадим ва навқирон, ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанд шаҳрига хуш келибсиз!

Сизларни – халқимиз фаровонлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига дахлдор бўлган барча ишчи-ходимларни бугунги касб байрамимиз – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий қутлайман, барчангизга чуқур ҳурматим ва эзгу тилаklarимни изҳор этаман.

Бундан икки йил аввал Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан вазирлигимиз ташкил этилиб, соҳада фаолият юритаётган сув ва иссиқлик таъминоти ташкилотлари, инжиниринг компаниялари, лойиҳа ташкилотлари, “Коммунхизмат” агентлиги ягона марказлашган тизимга бирлаштирилди, вилоят, туман ва шаҳарларда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарма ва бўлимлари, Уй-жой фонддини назорат қилиш Инспекцияси ташкил этилди. Шу каби таркибий ислохотлар натижасида соҳада давлат томонидан бошқаришнинг ягона ва мақбул тизими шакллантирилди.

Ҳозирги кунда вазирлик тизимидаги 140 та-

дан ортиқ ташкилот ва корхоналар, уларнинг туман ва шаҳар бўлимларида 32 мингдан ортиқ ишчи-ходимлар фаолият юритмоқда. Соҳа ходимларининг машаққатли ва фидокорона меҳнати натижасида Республикаимизнинг барча ҳудудларида коммунал соҳани ривожлантириш, аҳолини замонавий ва сифатли коммунал хизматлар билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги касб байрамимиз муносабати билан амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар сарҳисоб қилинар экан ичимлик суви, иссиқлик таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш соҳасида ҳамда кўп хонадонли уй-жой фонддини бошқариш, уларнинг техник ҳолатини яхшилаш ҳамда уйларга туташ ҳудудларини ободонлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилганлигини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Жумладан:

– 2018 йилда 8055 та кўп хонадонли уйлар мукамал ва жорий таъмирланди, туташ ҳудудлар ободонлаштирилди, натижада 1 млн. дан ортиқ аҳолининг турмуш тарзи ва яшаш шароитлари тубдан яхшиланди.

– Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича 18,9 млрд. сўм ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб иссиқлик таъминоти бўлмаган 301 та

кўп хонадонли уйлар иссиқлик энергияси билан таъминланди.

2018 йилги Инвестиция дастурига асосан 721,8 млрд. сўм ҳажмдаги маблағлар ҳисобидан 282 та лойиҳалар бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланиб фойдаланишга топширилди, якунланиши кейинги йилларга режалаштирилган 32 та йирик объектларда кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижада 600 мингдан ортиқ аҳолига, уларнинг орзу-ниятлари рўёбга чиқариб, тоза ичимлик сувини етказиб бердик.

Халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган 8 та йирик лойиҳалар доирасида 2018 йил якуни билан ичимлик сув ва оқава сув тизимларини ривожлантириш бўйича 74,51 млн. долларлик ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Фарғона ва Марғилон шаҳарлари оқава сув тозалаш иншооти реконструкцияси” лойиҳаси якунланиб, ишга туширилди. 322 мингга яқин аҳолининг канализация хизматлари таъминоти яхшиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда, амалга оширилаётган “Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш” ва “Қашқадарё вилояти “Оқсув-Деҳқонобод” сув қузури қурилиши орқали Деҳқонобод туман аҳолиси ичимлик сув таъминотини яхшилаш” каби йирик лойиҳалар соҳа ходимларининг юқори профессионал малакага, билим ва тажрибага эга эканлигидан яққол далолат беради.

Энг муҳими, икки йил давомида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида катта тажрибага эга бўлдик, куч ва имкониятларимиз амалиётда синовдан ўтди ва ишончим комилки, келгусида вазирлик марказий аппаратидан тортиб тизимимиздаги барча ташкилотлар олдида турган улкан вазифаларни шараф билан бажариб борамиз ва бизнинг меҳнатимизнинг энг юксак баҳоси бўлмиш – кўрсатилаётган уй-жой коммунал хизматлар учун халқимизнинг розилигини олишга муяссар бўламиз.

Соҳада фаолият юритаётган ишчи ва ходимларнинг машаққатли меҳнатларини муносиб тақдирлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси” кўкрак нишони таъсис этилди. Бу йил, илк бор фидокорона ва ҳалол меҳнати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган 300 нафар ишчи-ходимларимиз “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳурматли касбдошларим!

Ватанимиз бугун ўз миллий тараққиётининг

янги даврига қадам қўймоқда. Бу – “Халқ манфати ҳамма нарсадан улуг” деган эзгу ғоя амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган даврдир. Бу йил мамлакатимиз ҳаётида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилиши кутилмоқда. Рўёбга чиқарилган ҳар бир лойиҳа юрт тараққиёти, одамлар турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши, янги тураржой массивлари барпо этилиши, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг тобора кенгайиши, шунингдек, аҳолининг коммунал хизматлар сифатига ва узлуксизлига нисбатан талабларининг ўсиши коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига янгича ёндашувни жорий этилишини тақозо этмоқда.

Хусусан, кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ичимлик ва оқава сув, иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш, соҳа ресурс ва энергия тежайдиган технологиялар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, объектларни замонавий ҳисоблаш ўлчов асбоблари билан жиҳозлаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш каби масалалар биз учун ғоят муҳимдир.

Шу билан бирга, аҳоли уй-жойларида қулай шароитлар эга бўлиш, тоза ичимлик сувга ёки иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжларини қондириш борасида кўрсатилаётган коммунал хизматлар сервисини кенгайтириш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Шу каби ўта долзарб ва ҳаётий муҳим вазифаларни амалга ошириш бугун бизнинг зиммамизда. Ишонаманки, соҳада меҳнат қилаётган барча ишчи, ходимлар ва раҳбарларнинг бор билим ва тажрибаси, куч ва имкониятларини сафарбар этиб, олдимизда турган вазифаларни шараф билан биргаликда адо этамиз.

Азиз ва муҳтарам касбдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган, барча қийинчилик ва синовларни мардона енгиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан жонажон ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган олижаноб соҳамиз ходимларига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизларни, Сизлар тимсолингизда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган барча ишчи ва ходимларни касб байрамимиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётингизда ютуқ ва омадлар, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Доимо хушқайфиятлик ва кўтаринкилик қалбларингизни тарк этмасин!